



БЕЗОРИЛИК ВА ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ДЕТЕРМИНАНТАЛАРИ

КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЕ ДЕТЕРМИНАНТЫ ХУЛИГАНСТВА И МАССОВЫХ БЕСПОРЯДКОВ

CRIMINOLOGICAL DETERMINANTS OF HOOLIGANISM AND MASS DISTURBANCES

Қабулов А.А

Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳафсизлиги университетети мустақил изланувчиси

Мазкур мақолада безорилик ва оммавий тартибсизликларнинг криминологик детерминанталари таҳлил қилинади. Жиноятларнинг келиб чиқишига таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий, психологик ва ҳуқуқий омиллар ҳамда мазкур омилларнинг жиноятчиликдаги ўрни кўриб чиқилади. Шунингдек, жиноятларни олдини олишда мазкур детерминанталарга таъсир кўрсатувчи чора-тадбирлар муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: Безорилик, оммавий тартибсизликлар, криминологик детерминанталар, ижтимоий-иқтисодий омиллар, олдини олиш.

В данной статье анализируются криминологические детерминанты хулиганства и массовых беспорядков. Рассматриваются социально-экономические, психологические и правовые факторы, влияющие на происхождение преступлений, а также их роль в преступности. Обсуждаются также меры, влияющие на эти детерминанты для предотвращения преступлений.

Ключевые слова: Хулиганство, массовые беспорядки, криминологические детерминанты, социально-экономические факторы, предотвращение.

This article analyzes the criminological determinants of hooliganism and mass disturbances. It examines the socio-economic, psychological, and legal factors influencing the origin of these crimes and their role in criminal behavior. Measures that influence these determinants to prevent such crimes are also discussed.

Keywords: Hooliganism, mass disturbances, criminological determinants, socio-economic factors, prevention.

Безорилик жиноятлари сабаблари ва шарт-шароитларининг ўзига хос хусусиятларига ўтар эканмиз, шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳар бир алоҳида жиноятчилик салбий ижтимоий ҳодиса бўлган ҳолда, белгиланган жамоат тартибини бузади, шахсининг девиант хатти-ҳаракатларида акс этган ҳолда, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатларни деформация қилади, жиноят-



хуқуқий нормалар бузилишига ва мос равишда давлатнинг репрессив муносабатига олиб келади¹.

Зеро, тадқиқотчи Е.И.Каиржанов таъкидлаб ўтганидек, “сабабият криминологиянинг энг мураккаб ва серқирра муаммоларидан бири”² ҳисобланади. Муаллифнинг кайд этишича, “ғайриижтимоий ходисалар, шу жумладан жиноятчилик факат ижтимоий муносабатлар доирасида ўз сабабларига эга булади, шу сабабли асосан ижтимоий хусусият касб этади. Умуман олганда, бу ҳаётнинг иқтисодий шароитларини, инсон психологиясини, унинг эҳтиёжлари, манфаатлари, хулқ-атвор мотивлари ва мақсадларини, кичик ва катта ижтимоий гуруҳдаги одамларнинг ўзаро муносабатларини (оила, ишлаб чиқариш муносабатлари, яқин муҳитини), қарашлари, эътиқодлари, қадриятлари ва мўлжалларини қамраб олади”³.

Айрим олимлар ўз тадқиқотларида жиноятчиликнинг олдини олишда ташкилий-бошқарув, ижтимоий-психологик, хуқуқий сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтадилар⁴. Шундай фикрни ўз навбатида С.Аристамбаева ҳам қайд этиб ўтади⁵.

Ўз навбатида, тадқиқотчи С.Ниёзова оғир тажовузкор-зўравонлик жиноятларини содир этиш шарт-шароитларига, уни амалга оширувчи айбдорнинг шахси ва руҳиятига таъсир этиш омилларига кўра объектив ва субъектив жиҳатдан тавсифлаш мумкинлигини таъкидлаб ўтади⁶. Ҳеч шубҳа йўқки, ушбу фикр безорилик жиноятларини объектив ва субъектив жиҳатдан тавсифлашда ҳам тенг равишда қўлланиши мумкин.

Криминологияда ҳар бир жиноятчилик турини ўрганишда криминоген десоциализация ва криминоген конфликт сабаблари ўрганилади. Жумладан безориликда десоциализация шахснинг маданий-таълим даражаси пасайиши; мастлик, алкоголизм, гиёҳвандлик; шахс характерида кўполлик ва шафқатсизлик хулқ-атвор стереотиплари мавжудлиги; баъзида оилада хуқуқбузарларнинг мавжудлиги ва жинсий хулқ-атворни ўргатилиши билан изоҳланади⁷.

Шахсдаги конфликтлик криминоген омил сифатида ўзини шахснинг атрофдагилар билан келиб чиқадиган зиддиятларда, ҳамда кўп ҳолларда жамиятдаги ҳукмронлик учун кураш, шунингдек, болаларни тарбиялаш ва турмуш ўртоғининг қариндошлари билан ўзаро кўролмаслик, душманлик муносабатлари масалалари билан боғлиқ ички конфликтларда⁸ намоён бўлади.

¹ Хакимова И.М. Девиант хулқ атвор психологияси: Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси. –2013. –Б. 84.

² Каиржанов Е.И. Объект преступления - интересы социальных субъектов. Монография. -Алматы: Экономика, 2008. - Б. 106-107.

³ Каиржанов Е.И. Криминология. Общая часть. Учебник. - Алматы, 2005. - Б. 29-30.

⁴ Лесько Н.В. К вопросу определения термина «профилактика правонарушений среди детей» // Международный научно-исследовательский журнал, 2012.

⁵ Аристамбаева С. Профилактика преступлений как центральная проблема современной криминологии // Вестник ТГЮИ. - Ташкент, 2009. - №2. - С. 107-108.

⁶ Ниёзова С.С. Шахснинг зўрлик жинояти қурбонига айланишининг ижтимоий-руҳий тавсифи // ТДЮИ Ахборотномаси. - Тошкент, 2010. - № 3. - Б. 87.

⁷ Ўразалиев М.Қ. “Алкоголизм” ва “ичкиликбозлик” тушунчаси бундай иллатларнинг хуқуқий оқибатлари хақида // Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси Ахборотномаси. –2014. –№3. – Б. 55.

⁸ Бурлаков В.Н. Криминология. Учебное пособие. Гриф УМО МО РФ, - С-Пб.: «Питер», 2016. С.154.



Безорилик жиноятлари сабабларини ўрганиш интеракция ёндашуви ва криминоген омилларни мазмун мезонига қараб тақсимлашга асосланади. Интеракция ёндашуви учун жиноятни шундай тушуниш хоски, бунда жиноятчилик шароитлари билвосита таъсирида шахс ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари натижасида бутун ижтимоий тизим янгича ҳолатга ўтади: жамият криминогенлашиб боради, шахсда жиноий тажриба шаклланади, унинг шахсияти жиноятчи шахсига хос фазилатларни қабул қилади.

Ушбу ўзаро муносабатлар жараёни ўз-ўзидан кўриниб туради: жамиятнинг криминаллашуви шахснинг криминаллашувига олиб келади, шахснинг жамият аъзоси сифатида криминаллашуви, ўз навбатида, жамиятнинг криминаллашувига ҳисса қўшади. Сир эмаски, жиноятчилик илдишлари субъект тарбиясида, уни ўрганиш, ўз навбатида жиноий хулқ-атворнинг сабаблари ва шароитларини таҳлил қилиш учун етарли асослар беради. Инсоннинг деструктив фаолияти шаклланишида шахснинг ижтимоийлашув шароитлари муҳим ўрин тутди⁹.

Бу борада биринчи ўринда инсон ижтимоийлашувига замин яратадиган оила туради. Безориларнинг аксарияти “носоғлом” ёки “бузуқ, ахлоқсиз” оилаларда вояга етган. Кўпгина олимлар бундай оилалар, уларда вояга етган ва тарбияланган болалар шахсиятини шакллантиришига ўта салбий таъсир қилишини таъкидлайдилар¹⁰.

Б.К.Мартиненконинг фикрича, оилада бирдамликнинг йўқлиги, ота-оналар ва бола ўртасида яқинлик ва ўзаро тушунишнинг йўқлиги, оилада бошқарувнинг авторитар услуби шахснинг деструктив хулқ-атворга мойиллигини ошириши мумкин¹¹.

Оиладаги ўзаро салбий муносабатлар табиати ва негатив психологик микроклим ўсмирларнинг шахсияти шаклланишига кўмаклашувчи, девиант хулқ-атворнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади¹².

Ижтимоий сабаблар ичида маиший шароитларнинг аҳамияти ҳам кам эмас. Маиший шароитлар мазмуни турмуш кечирish моддий шароитлари, маиший муносабатлар функциялари, аъзоларига устун таъсир кўрсатадиган кичик гуруҳларда яшаш шароитлари (масалан, мигрантлар, кўчманчи яшаш тарзига эга халқлар) каби кўрсаткичларни ўз ичига олади. Турмуш шароитида мутаносиблик йўқолиши, аҳолининг салмоқли қисми энг асосий маиший эҳтиёжлар (озик-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва бошқалар)ни қондиришда жиддий қийинчиликларга дуч келиши билан ифодаланади. Маълумки,

⁹ Ашин А.А. Ресоциализация осужденных к лишению свободы в условиях современной России // Правовая политика и правовая жизнь. № 2, 2015, С.75.

¹⁰ См.: Ю.М. Антонян. Насилие. Человек. Общество. М., 2001. С.106-145; Ф. Лист. Задачи уголовной политики. Преступление как социально-патологическое явление / сост. и предисл. В.С. Овчинского. - М., 2004. С.92-93; А.М. Мэкс. Социальные условия насилия в семейном поведении (анализ насилия в американской семье). Дисс. ... канд. социол. наук. М., 2003; Феномен насилия (от домашнего до глобального). Взгляд с позиции пренатальной и перинатальной психологии и медицины / под ред. проф. Г.И.Брехмана и проф. П.Г.Федор-Фрайберга. Санкт-Петербург – Хайфа, 2005 и др.

¹¹ Мартыненко Б.К. Насилие в современной России // Очерки новейшей камералистики. № 1, 2012, С.29

¹² А.А. Нурмагомедова. Семья как фактор девиантного поведения подростков // Девятыи Всероссийские Державинские чтения: сборник статей: в 7 томах. Том 5: Проблемы уголовно-процессуального, уголовно-исполнительного и уголовного права, криминалистики и криминологии, РПА Минюста России, 2014, М. – Б.139.



мамлакатимизда кўп болали (уч ва ундан ортиқ) оилалар кўпчиликини ташкил этади. Ҳозирги бозор муносабатлари қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда бундай оилаларнинг етарли даромадга эга бўлишини таъминлаш керак. Бу эса оиланинг моддий таъминотини яхшилаш ва, айниқса, бола тарбияси учун зарур шароитни юзага келтиради¹³.

Ўрганилган жиноят ишлари таҳлили шуни кўрсатадики, безорилик жиноятини содир этган шахсларнинг 75% турли хил маиший ноқулайликлар ва турмушини йўлга қўйишда қийинчиликлар ва машаққатларга дуч келишган (бошпанасиз, ишсизлик).

Ижтимоий детерминанталар орасида алкоголизм, гиёҳвандлик каби салбий ижтимоий иллатлар алоҳида аҳамиятга эга. Афсуски, алкоголизм ва гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари жамият ва айрим фуқароларнинг умумий маданияти даражаси пасайиши, уларнинг ижтимоий ва психологик таназзули, атроф-муҳит ахлоқи, соғломлиги ва ижтимоий муносабатларга салбий таъсирида намоён бўлади¹⁴. Хусусан, респондентларнинг 78,5% жиноят содир этиш сабабини алкоголь ёки гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилишда кўради.

Безорилик жиноятларини келтириб чиқарадиган криминоген омилларнинг кейинги тури маънавий-ахлоқий мазмундаги омиллардир. Жаииятда қадриятлар йўналиши деформацияси маънавий қадриятлар устидан моддий қадриятлар устуворлигига олиб келади. Бундай ҳолатлар меҳр-оқибат, раҳм-шафқат, одоб-ахлоқ, кечиримлилик, ўзаро бир-бирини тушуниш, ачиниш ва бошқа шу каби қадрият ва қарашларнинг ўзгариши ва деградациясига олиб келади, улар ғзаб, шафқатсизлик, қатъиятсизлик, қасоскорлик, душманлик ва бошқалар билан алмашади. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, инсонийлик муносабатларга таъсир қилади, боиси айнан шу ерда, ижобий қадриятлар ўз ўрнини салбий қадриятларга бўшатиб беради ва улар ўзига хос “апробация”дан ўтказилади.

Маънавий-ахлоқий ривожнинг деструктив йўналишда шаклланишида оммавий ахборот воситалари ҳам алоҳида ўрин тутади. Қидирув тизимлари жинсий характердаги таклифларни филтрдан ўтказмайди, уларнинг барча учун очиқлиги ва умуман кутилмаган сайтларда пайдо бўлиши, жинсий ахлоқсизлик тарқалиши ва жинсий муносабатлар маданияти пасайиб кетиши, шу жумладан, хотин-қизларга нисбатан шафқатсизлик ва зўравонлик муносабатларига толерант қарашлар пайдо бўлишига олиб келади.

Криминал мафқуранинг урф бўлиши барча масалаларни жисмоний куч ёки “соққа” ёрдамида ҳал қилиш мумкинлиги тўғрисидаги бузғунчи ғояларни аҳоли онгида мустаҳкамланишига кўмак беради, айти дамда жазо тизимидаги баъзи

¹³ Kriminologiya. Darslik. Prof. Z.S. Zaripovning umumiy tahriri ostida – T.2008. – B.200.

¹⁴ Криминология в 2-х томах. Том 2. Общая часть. Учебник для академического бакалавриата /Жариков Ю.С., Ревин В.П., Малков В.Д., Ревина В.В. – М.: «Юрайт», 2017, С.128. Антонян Ю.М., Эминов В.Е. Личность преступника. Криминологическое исследование: монография, М., Норма, Инфра-М, 2015. С.135.



камчиликлар айрим кишиларга ҳамма нарса қилиш мумкинлиги ва жазосиз қолиши ҳақидаги ҳис-туйғулар пайдо бўлишини келтириб чиқаради.

Безорилик жиноятларининг маънавий-ахлоқий детерминанталарини ўрганиш асносида, биз виктимологик омиллар мавжудлигини ҳам айтиб ўтишимиз лозим. Шахснинг виктимлиги, маълум бир сифатлари, юриш-туриш ва хатти-ҳаракатлари туфайли, муайян шароитларда, жиноий тажовуз объекти бўлиш мойиллиги юқорилигини англатади¹⁵,

Дарҳақиқат, инсон хулқ-атвори ўз характериға кўра нафақат оддий, балки виктим, яъни ўзи учун хавфли, бепарво, эҳтиётсиз ва шунинг учун муайян вазиятда тажовузни келтириб чиқариш учун баҳона бўлишга қодир бўлиши мумкин¹⁶.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, потенциал жабрланувчи ҳолати, унинг турмуш тарзи, хулқ-атвори хусусиятлари, потенциал ҳуқуқбузар билан муносабатлар шакллари ва даражаси билан ҳамоҳанг тарзда, ҳуқуқбузар онгида жиноий ният пайдо қилишга ҳисса қўшиши мумкин, унинг аксилижтимоий йўналишга рағбатлантириш, жиноятни содир этиш усули ва воситаларини танлашга кўмак бериши мумкин¹⁷.

Кўриб чиқиладиган жиноятларда, кўпинча сўз оилавий безорилик ҳолатлари ҳақида боради. Одатда, бу ҳолатда жабрланувчилар – бу болалар, аёллар, кекса оила аъзолари.

Жабрланувчиларини таҳлил қилиш, виктим хулқ-атворли шахслар бир нечта типини ажратишга имкон берди. “Ҳимоясиз қурбон” типига, жумладан, вояга етмаган ёлғиз оналар киради. Уларнинг ҳимоясизлиги, биринчи навбатда, жиноятчи – турмуш ўртоғига қарши объектив тура олмаслигидан келиб чиқади; иккинчидан, давлат ва жамоат институтлари, биринчи навбатда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ёрдам ва ҳимоянинг етишмаслиги билан изоҳланади¹⁸.

Ушбу типга тегишли тоифани улкан сабр-тоқат, тажовузкор эридан кўрқиш, жамоат олдида уят туйғуси сабабли онгсиз равишда ўзларига қарши зўравонлик уйғотадиган аёллар ҳам тўлдиради. Бу аёллар ўзларига нисбатан зўравонлик ҳолатларини жазосиз қолдириб, шу тариқа уларнинг такрор ва такрор содир этилишига олиб келтиради ва келгусида – алимент тўловлари мажбуриятларини эътиборсиз қолдиришга ҳам сукут сақлаб қарашади.

Қолаверса, кўпинча аёл жабрланувчиларга нисбатан жамият аъзолари баъзан жуда ғалати муносабатда бўладилар, яъни уларни ўз эрига зуғум қилишда қоралайдилар. Одамнинг онгида, худди жабрланувчининг онгида бўлгани сингари, стигматизация – ўзининг ижтимоий мавқеини

¹⁵ Антонян Ю.М., Эминов В.Е. Личность преступника. Криминологическое исследование: монография. – М.: «Норма, Инфра-М»; 2015. С.162.

¹⁶ Б.А.Матлобов, Турсунов А.С., Расулев А.К., Хужакулов С.Б., Гофуров Ш.Р. Профилактика правонарушений / Учебник. – Т.: / Отв. ред. Б.А.Матлобов. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2020. Б. – 174.

¹⁷ В.И.Полубинский. Криминальная виктимология. Монография, 2-е изд., доп. – М.: ВНИИ МВД России, 2008. – Б. 109.

¹⁸ Ильяшенко А.Н., Шмарион П.В. Типология лиц, пострадавших от насильственных преступлений в семье // Российский следователь. 2005. № 7. С.34.



жабрланувчининг хулқ-атвор стереотипига ўхшатиш жараёни рўй беради¹⁹. Шу боис, айнан оилавий безорилик жиноятларида виктимлик – бу айна чоғда латентликнинг ўзига хос омилдир.

Безорилик жиноятлари кейинги детерминанталари мажмуи – бу ҳуқуқий омиллар.

В.Д. Малков криминоген ҳуқуқий омиллар таркибига қуйидагиларни қўшади: қонун аномияси (ҳаракатсизлиги); қонунчиликнинг беқарор ва мавҳумлиги; ижтимоий хавfli қилмишларни жинойий-ҳуқуқий баҳолаш, шунингдек жиноят процессуал қонунчилиги муаммолари; ушбу қонун ҳужжатларини расмий шарҳлашдаги камчиликлар²⁰.

Амалдаги қонунчилик аномияси, қоида тариқасида, эр-хотин (фуқаролик никоҳида бирга яшовчилар) ўртасида, қоида тариқасида зўрлик ишлатиб содир этиладиган безорилик жиноятларга нисбатан амалдаги қонунчилик нормаларини эътиборсиз қолдиришда намоён бўлади²¹. БМТ берган аниқ тавсияларга қарамасдан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан бундай хатти-ҳаракатларни жиноят деб ҳисобламаслик урф бўлган.

Иқтисодий беқарорлик, ижтимоий мавқенинг пастлиги, хизмат мавқеидаги беқарорлик, оммавий ахборот воситалари салбий ижтимоий таъсири, безорилик жиноятларига қарши курашишнинг самарали ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги – мазкур омиллар барчаси фрустрация (умидсизлик), ижтимоий депрессия ёки аксинча, ўз-ўзига ишонч ортиши, жазоланишга тортилмаслиги ҳис-туйғусини шакллантиради.

Ўз навбатида ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги камчиликлар, безорилик жиноятларига қарши курашда айрим масалалар қонунчилик орқали тартибга солишда мавжуд камчиликлар (масалан, санкцияларнинг жазоловчи таъсири етарли даражада эмаслиги, терминология ноаниқликлари) ҳуқуқий нигилизм барқарор шаклланишига кўмак беради ва шахсда жазоланмаслик ва барча нарсага рухсат борлиги алдамчи туйғусини туғдиради.

Қонунчиликдаги бўшлиқлар жавобгарликдан қутилиб қолишга имкон беради, жамиятда асосий қадриятларга оид тушунчаларнинг таназзулга учраши, жамоатчиликда айрим қилмишлар танбеҳга учрамаслигини англатади.

Шундай қилиб, детерминантларнинг қуйидаги турли категорияларини ажратиш мумкин.

Биринчидан, иқтисодий криминоген омиллар мунтазам иқтисодий инқирозлар, шу жумладан иқтисодий режалаштиришдаги камчиликлар, иқтисодий механизмларнинг номутаносиблиги, мулкый табақаланиш билан

¹⁹ Abdurasulova Q.R. Ayollar jinoyatchiligi va ularning oldini olish muammolari. O'quv qo'llanma / Mas'ul muharrir: yu.f.d.,prof. M.H.Rustamboyev. – T.: TDYI nashriyoti, 2009. – B.28.

²⁰ Криминология в 2-х томах. Том 2. Общая часть. Учебник для академического бакалавриата /Жариков Ю.С., Ревин В.П., Малков В.Д., Ревина В.В. –М.: «Юрайт», 2017, С.79.

²¹ Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари: юрид. фан. номз. дисс.-я. –Т., 2007. –Б. 146.



ифодаланади, бу эса ишсизликнинг кўпайиши, натижада аҳолининг катта қисми даромадлари сезиларли камайишига олиб келиши, натижада улар ўзининг иқтисодий муаммоларини ҳар доим ҳам қонуний усуллар билан ҳал қилишмайди.

Иккинчидан, ижтимоий детерминантлар турли хил кўринишга эга: фуқароларнинг ижтимоий химояланиши пасайиши, уларнинг айримларида инсонларга нисбатан салбий, баъзан эса жиноий муносабат шаклланишига олиб келади.

Учинчидан, маънавий-ахлоқий криминологик детерминантлар жамиятда шаклланган ижобий мафкура мавжуд эмаслиги, ижобий қадрият ва идеалларнинг йўқотилиши ва ахлоқсиз кўрсатмалар урф бўлиши билан боғлиқ. Маълумки, Марказий Осиё худудида қадим-қадимдан ўзбек оилаларида бола тарбиясига ва унинг одоб-ахлоқига, комил инсон бўлиб ўсишига катта эътибор қаратилганлиги жиноятларнинг олдини олишда муҳим омил ҳисобланган²².

Афсуски, хориж амалиёти ва қонунчилиги таҳлили шундан далолат берадики²³, бугунги кунда урф бўлаётган жинсий бузуқлик ва инсоний қадриятлар деформацияси шахснинг бузғунчи хатти-ҳаракатларини шакллантиради, унинг атрофдагиларга нисбатан зўравонлик, жисмоний куч ёки психологик тазйиқ ўтказишда намоён бўлади.

Тўртинчидан, ҳуқуқий криминоген омиллар қонунчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги бўшлиқларда намоён бўлади, шунингдек, ҳуқуқий нигилизмни шакллантиради, барча нарса мумкинлиги ва жазоланмасликка ишониш каби қарашларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Бешинчидан, оммавий ахборот воситалари оммавий онг ва мос равишда жамиятнинг маънавий-ахлоқий йўналишини шакллантиришда алоҳида ўрин тутаяди. Жамиятимизда маънавий-ахлоқий соҳани такомиллаштириш ва жиноятчилик даражасини пасайтириш мақсадида телевидение ва Интернетдаги дастурларнинг мазмуни устидан қатъий ички ва ташқи ижтимоий назоратни жорий этиш ҳамда оммавий ахборот воситаларида шафқатсизлик ва зўравонлик намоёишини чеклаш таклиф қилинмоқда²⁴.

Шу муносабат билан биз оммавий ахборот воситаларини қуйидаги йўналишлар бўйича қайта йўналтиришни таклиф қилаётган тадқиқотчилар²⁵ фикрига қўшиламыз: 1) қонунга итоаткор турмуш тарзини тарғиб қилиш, 2) аҳолини криминаллашуви ва безорилик жиноятлари содир этиш сабаблари ва шартларини эркин ва тушунарли баён этган ҳолда тушунтириш, 3) содир этилган жиноятлар учун жазонинг муқаррарлигини намоён этиш, 4)

²² Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б.38.

²³ Тахиров Ф. Айрим хорижий мамлакатларда жинсий жиноятлар учун жавобгарлик / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т., 2009. – Б. 95–96.

²⁴ М.Б. Чабанянц. Криминологические аспекты влияния насилия и жестокости в средствах массовой коммуникации на агрессивное поведение несовершеннолетних. Автореф. ...канд. юрид. наук.: 12.00.08. - Ставрополь, 2002. – Б. 22.

²⁵ Пристанская О.В. Правовые основы организации системы правового просвещения несовершеннолетних // Проблемы правового просвещения и участие в нем органов прокуратуры: сборник материалов Всероссийской научно-практической конференции – М.: Акад. Ген. прокуратуры РФ, 2011, С.55.



фуқароларни жиноят содир этиш усуллари тўғрисида хабардор қилиш орқали жиноятчиликнинг олдини олиш, 5) жамоатчиликда безорилик жиноятларига нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш (масалан, оиладаги безорилик ва зўравонлик ҳаракатларини беркитмаслик).

Айрим хорижий давлатларда вужудга келаётган мураккаб сиёсатлар оммавий тартибсизликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Гап шундаки, жамиятда юз бераётган демократик ўзгаришлар даврида оммавий характерга эга бўлган митинглар, юришлар, демонстрациялар, акциялар ва норозиликлар жуда оммавийлашиб кетмоқда.

Ушбу шароитларда негатив характерга эга бўлган оммавий ходисалар, хусусан, оммавий тартибсизликларнинг жамиятда кенг тарқалиши кузатилмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, "...аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш – ҳозирги кунда энг муҳим вазифадир"²⁶.

Ҳозирда дунёнинг қитъа ва минтақаларида, олис ва яқин атрофимиздаги баъзи давлатларда қарама-қаршилик, зиддиятлар тобора кучайиб бораётганлигининг гувоҳи бўлаяпмиз. Айрим минтақаларда қон тўкилаётгани, низо ва адоватлар авж олаётгани, миллатчилик, шовинизм, каби хавфли офатлар майдонга чиқаётгани, бир сўз билан айтганда, вазият тобора кескинлашиб, хавф-хатарлар ортиб бораётгани барчамизни ташвишга солмасдан қўймайди.

Дунёга хавф солаётган таҳдидлар бугунги кунда жуда серқирра бўлиб, эндиликда у бирор-бир давлат ёки минтақа билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Чунончи, бугунги кунда таҳдид халқаро терроризм, радикализм, сиёсий ва диний экстремизм, миллатчилик, этник ҳамда миллатлараро низолар, трансмиллий жиноятлар, шунингдек, фитна ва бўхтонлар уюштириш орқали кенг оммани ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этишга ундаш, оломон ёрдамида "уруш билан боғлиқ бўлмаган усуллар"ни қўллаб, ҳокимият тепасига чиқиш каби муаммоларни ўз ичига олади.

Оммавий тартибсизликларга қарши кураш фуқароларимиз ва шу қаторда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг қатъий бурчидир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари давлат манфаатлари, фуқароларнинг ҳаёти ва инсоний қадр-қиммати, конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини оммавий тартибсизлик каби жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишга доимо шай туришлари даркор.

Ватанимиз ривожланиши, гуллаб-яшнаши ва равнақи учун, албатта, ҳеч қандай ёвуз куч раҳна солмаслиги керак. Бунинг учун барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, айниқса, Ўзбекистон республикаси Миллий гвардияси ва ИИО ҳодимлари аҳоли билан профилактик тадбирларни олиб боришлари ва, албатта,

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // "Халқ сўзи". – 2017. – 15 окт.



ноқонуний оммавий тадбирлар давомида тартибсизлик келтириб чиқариш ёмон оқибатларга олиб келиши бўйича тушунтириш ишларини мунтазам олиб боришлари ҳамда бу борада аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириб боришлари зарур.

Оммавий тартибсизликларнинг юзага келиши турли хил сабабларни ўз ичига қамраб олиши мумкин. Оммавий тартибсизликлар тарихдан маълумки, жамият ривожланишининг ҳар бир даврида намоён бўлиб келган. Оммавий тартибсизликлар ижтимоий ҳодиса сифатида жамият учун жиддий хавф туғдиради.

Улар турли сабабларга кўра пайдо бўлиши мумкин - ижтимоий-иқтисодий (озиқ-овқат етишмовчилиги, фожиали инфляция, умумий ишсизлик ва бошқалар), сиёсий (ҳокимиятнинг ўзбошимчаликлари, демократик эркинликларнинг бузилиши, ҳукумат сиёсатидан норозилик ва бошқалар), этник (миллий озчиликларнинг ҳуқуқларининг бузилиши ёки аксинча, маҳаллий бўлмаган этник гуруҳларнинг ижтимоий ҳаётининг муҳим соҳалари вакилларида устунлик ва бошқалар), диний (турли динлар вакиллари ўртасидаги кураш), жиноий (жиноий гуруҳлар ўртасидаги таъсир доираларини қайта кўриб чиқиш учун кураш) ва бошқалар²⁷.

Маълум бир сабабга кўра ғазабланган одамлардан ташкил топган кичик гуруҳлар етарлича катта гуруҳга бирлашганда, ўз-ўзидан пайдо бўлган хатти-ҳаракатларнинг намоён бўлиш эҳтимоли кескин ошади.

Тарихга назар соладиган бўлсак, энг йирик оммавий тартибсизликлар XIX аср охири - XX аср бошларида юзага келишни бошлаган. Ушбу даврларда кучли инқилобий босқичларни кузатган Г.Лебон оломонга жуда мажозий таъриф берган: "Оломон бўронлар кўтарган ва турли йўналишларда тарқалган баргларга ўхшайди, кейин эса ерга қулайди"²⁸.

"Тартибсизликлар" ибораси бу ҳодисани икки томондан тавсифлайди ва биринчидан, улар зўравонлик ёки бошқа жамоат тартибини бузиш билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, улар оммавийдир. Оммавий тартибсизликлар жиноий ҳаракат бўлиб, катта ижтимоий хавф туғдиради, чунки у ўз-ўзидан содир бўладиган ва жиноят қонуни билан кўриқланадиган кўплаб муҳим объектларга тажовуз қиладиган ҳаракатларидан бири ҳисобланади.

Буларнинг барчаси тартибсизликларни жамоат хавфсизлигига қарши энг хавфли жиноятлардан бирига айлантиради, бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан уни содир этишда айбдор деб топилган шахсларни жалб қилиш учун зарур бўлган таркибнинг барча элементларини синчковлик билан ўрнатишни талаб қилади²⁹.

Айтиш жоизки, тартибсизликлар баъзан фуқароларнинг йиғилиш ҳуқуқини суиистеъмол қилиш натижасида юзага келади. Ҳуқуқ фалсафасида қайд

²⁷ Ахметханов А.Ф. Объект состава массовых беспорядков // Российский следователь. – 2012. – № 21. – С. 9

²⁸ G. Lebon. Psychologie der Massen. Stuttgart, 1982.

²⁹ Григорьев В.Н. Расследование массовых беспорядков в условиях чрезвычайного положения. М.:Юрайт, 2008.



этилишича, “замонавий дунёда одамларда индивидуал ва жамоавий ҳаракатлар учун масъулият ҳисси заифлашган, бу эса турли низолар ва офатларга олиб келади. Шу сабабли, сиёсатчилар ва ҳуқуқшунослар, файласуфлар ва социологлар ўртасида "Инсоннинг асосий бурчлари тўғрисидаги халқаро декларация" ни қабул қилиш ғояси муҳокама қилинмоқда. Замонавий шароитда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, бурчлар мутаносиблиги барқарорлик ва инсониятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш омилларида бири бўлиб, бу ўз навбатида учинчи минг йилликда ҳам инсоният умрининг узайтирилишининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда³⁰.

Оммавий тартибсизликлар юзасидан кўплаб олимларнинг тадқиқотлар мавжуд, улардан бири, СССРда 1953–1980 йилларда оммавий тартибсизликларни ташкил этиш бўйича тадқиқотчилардан В.А.Козлов ўзи ўрганган архив маълумотларига асосланиб, белгиланган вақтда амалда бўлган амалиётга кўра, бундай тартибсизликлар камида 300 киши иштирок этган "оммавий" деб тан олинган, деган хулосага келади³¹.

Маълумки, оммавий тартибсизликлар оқибатида ҳукумат бошқаруви органлари фаолиятини издан чиқариши, жамоат тартибини кенг қамровли бузиши, жамоат хавфсизлигини таҳдид остида қолдириши, инсонлар қурбон бўлиши, давлатга жиддий иқтисодий зарар келтириши билан ижтимоий хавfli ҳодисаларга сабаб бўлишини кўрсатади. Оммавий тартибсизликларнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, бу хавfli жиноят жамият асосини емиради, вазият барқарорлиги, фуқароларнинг нормал ҳаётини, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ишини бузади.

Биламизки, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади³².

Оммавий тартибсизликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни олдини олишда профилактик чора тадбирларни аҳамиятига тўхталишдан олдин оммавий тартибсизликлар тушунчасига таъриф бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Оммавий тартибсизликлар деганда, давлатнинг суверенитети, жамоат тартиби ва хавфсизлиги, фуқароларнинг шахсий хавфсизлигига таъсир қилувчи оммавий жиноят сифатида, зўрлаш, ўт қўйиш, бузғунчилик, давлат ва шахсий мулкни ўғирлаш, талаш ва йўқ қилиш, тинч аҳоли ва ҳукумат кучларига нисбатан совуқ (ўқ отар) қурол, портловчи ёки тез аланга олувчи моддаларни тайёрлаш ва қўллаш, қаршилик кўрсатиш, давлат, жамоат ташкилотлари ва

³⁰ Вдовиченко К.Г. Понятие массовых беспорядков // Современные проблемы уголовной политики: материалы V Междунар. науч.-практ. конф., 3 окт. 2014 г.: в 3 т. / под ред. А.Н. Ильяшенко. – Краснодар: Краснодарский университет МВД России, 2014.

³¹ Козлов В.А. Массовые беспорядки в СССР при Хрущеве и Брежнев (1953 – начало 1980 гг.). М., 2010. С. 22.

³² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. // Lex.uz.



муассасалари, транспорт воситалари фаолиятини издан чиқариш ва бу вазиятда уларни бартараф этиш учун кескин чора-тадбирларни қўллашга мажбур қилувчи ҳодисалар тушунилади³³.

Республикамиз қонунчилигида оммавий тартибсизликлар ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар туркумига киритилган бўлиб, бу жиноят тури қаттиқ қораланади ва Жиноят кодексининг 244-моддасида ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244-моддасига асосан, қурол ёки қурол сифатида фойдаланадиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш орқали оммавий тартибсизликлар ташкил қилиш, шунингдек, оммавий тартибсизликларда фаол қатнашиш - ўн йилдан ўн беш йиллагача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Оммавий тартибсизликлар ҳукумат бошқаруви органлари фаолиятини издан чиқариш, жамоат тартибини кенг қамровли бузиш, жамоат хавфсизлигини таҳдид остида қолдириш, инсонлар қурбон бўлиши, давлат (жамият, шахс)га жиддий иқтисодий зарар келтириши билан ижтимоий хавфлидир. Оммавий тартибсизликларнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, бу хавфли жиноят жамият асосини емиради, вазият барқарорлиги, фуқароларнинг нормал ҳаётини, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ишини бузади.

Кўп сонли оломоннинг криминал ҳаракати одатга кўра, тажовузкорлик, ўзаро таъсирчанликнинг кучлилиги, эҳтиросларнинг жўшқинлиги билан кузатилади.

Маълумки, оммавий тартибсизликларнинг иштирокчилари, уларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларининг кўлами, моддий оқибатлари ҳақидаги аниқ маълумотлар ҳамма вақт мавжуд бўлавермайди, бу эса ушбу жиноятга қарши кураш имкониятларини қисман чеклаб қўяди. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда оммавий тартибсизликларни турли зўравонликда ифодаланган, жамиятга ва фуқароларнинг шахсий хавфсизлигига реал хавф солувчи омманинг ҳаракатлари деб тушуниш мумкин.

Оммавий тартибсизликларнинг синфланиши ва психологияси

Бирор-бир ҳодиса ёки жараённи чуқур ўрганиш учун, авваламбор, унинг ўзига хослиги, аломатлари ва механизмини кенг тадқиқот қилиш зарур бўлади.

Оммавий тартибсизликларни ҳам унинг табиатини тўлиқ таҳлил қилиш орқали билиб олиш мумкин. Таҳлилни оммавий тартибсизликларнинг синфланишини ўрганишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Оммавий тартибсизликларнинг синфланишининг асосий мезонларини, унинг вужудга келиш аломатлари ва оқибатлари ташкил этади.

³³ Багмет А.М. Массовые беспорядки как уголовно-правовое понятие. Ж. Власть и управление на Востоке России №3 (2012): С.124–126.



Оммавий тартибсизликлар давомидаги жиноий хатти-ҳаракатлар икки турга бўлинади: умумий; ўзгача. Муассасалар, дўконларни вайрон қилишга қаратилган бузғунчиликлар, транспорт воситаларини йўқ қилиш, ўт қўйиш ва бошқа шунга ўхшаш ҳаракатлар оммавий тартибсизликларнинг умумий аломатларини белгилаб беради. Ўзгача оммавий тартибсизликлар эса фуқароларнинг хонадонларига босқинчилик қилишда ифодаланади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда оммавий тартибсизликларни қуйидаги синфларга бўлиш асосли:

1. Вужудга келиш сабабларига кўра: а) сиёсий; б) жтимоий-иқтисодий; в) миллий (ирқий); г) диний; д) экологик.

2. Характерига кўра: а) умумий (давлат идоралари, муассасалари, ташкилотларини вайрон қилиш); б) фуқароларнинг шахсий мулкига тажовуз қилиш (хонадонларни вайрон қилиш)

3. Келиб чиқиш оқибатининг оғирлигига кўра: а) одамларга ҳар хил турдаги тан жароҳати етказилиши; б) инсонларнинг ўлимига олиб келиши; в) катта моддий зарар етказилиши.

4. Вужудга келиш жойига кўра: а) аҳоли яшаш пунктларида; б) давлат корхоналари ва ташкилотларида; г) ижтимоий-сиёсий, маданий, оммавий спорт, кўнгилочар-томоша, умумхалқ, диний, касбий ва бошқа тадбирларни ўтказиш жойларида; д) озодикдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларида.

5. Давомийлигига кўра: а) узоқ муддатли, б) қисқа муддатли.

6. Қатнашувчилар сонига кўра: а) 100 кишигача, б) 1000 кишигача, в) 10000 кишигача, г) 10000 кишидан ортиқ.

Оммавий тартибсизликлар содир этилиши мумкин:

– давлат бошқаруви (ҳуқуқни муҳофаза қилиш) органлари объектлари, хорижий давлатлар элчихоналари ёнида;

– аҳоли пунктлари (кўчалар, сайилгоҳлар, майдонлар, бозорлар)да;

– давлат, маданий, оммавий спорт тадбирларини ўтказиш давомида;

– йирик саноат объектлари (заводлар, фабрикалар)да;

– жазони ижро этиш муассасалари (турмалар, колониялар, тергов хибсхоналари ва қамоқхоналар)да ва ҳ.к.

Митинг – бирор-бир муҳим воқеа, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш учун ўтказиладиган йиғилиш. Митинг дейилганда, одатда, байрамона кайфиятда ёки давлат ҳокимият органларидан норози бўлган маълум бир сиёсий гуруҳнинг ёки оммавий ҳаракат ёхуд ишлаб чиқариш ташкилотларининг шаҳар марказларига чиқиб, ўз фикр ва талабларини бидириши тушунилади³⁴.

³⁴Хохрин С.А. Массовые беспорядки: проблема определения понятия // Вестник Владимирского юридического института. – 2009. – №. 4. – С. 160–161.



Йиғилишлар эркинлиги – фуқароларнинг асосий сиёсий ҳуқуқларидан бири, ёпиқ биноларда тўпланишнинг чекланмаган имкониятларини ифодалайди, унга кириш асида уни ташкил этганлар томонидан чекланиши мумкин. Қонунчилик йиғилишлар ўтказишнинг ошкор қилиш тартибини назарда тутиши мумкин, бунда ваколатли органлар бўлажак йиғилиш, унинг ўтказилиш вақти, жойи ва мавзуси тўғрисида олдиндан хабардор қилинади, аммо ҳеч қандай хабар бериш талаб этилмаслиги ҳам мумкин³⁵.

Намойиш – фуқаролар гуруҳларининг плакатлар, транспарант ва б. кўргазмалар ташвиқот воситаларидан фойдаланган ҳолда жамоавий кайфиятни ташкилий-оммавий билдириш. Оммавий тадбирларнинг бир кўриниши ҳисобланади. Намойишлар эркинлиги фуқароларнинг асосий конституциявий сиёсий эркинликларидан биридир³⁶.

Аммо, шу ўринда, ушбу оммавий тўпланишлар кўча тартибсизликларига айланиб кетаётганлиги ҳам кузатилмоқда. Маълум даражада бу оммавий тартибсизликларнинг бир кўринишидир.

Бош қомусимизда фуқароларимизнинг ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлиги, бунда ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамланган³⁷.

Ўз вақтида бартараф этилмаган сиёсий йўсиндаги оммавий тартибсизликлар:

- қуролли тўқнашувларга;
- фуқаролар урушига;
- давлатда ўрнатилган конституцион тузумни ағдаришилиши ва бошқа ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

Ижтимоий-сиёсий беқарорлик, нотинчлик белгиларига қуйидагилар киради: тажовузкорлик, ақидапарастлик, диний экстремизм, ислом фундаментализми, давлат шовинизми, миллатчилик, агрессив миллатчилик, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик, шунингдек, ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва ҳукмронлик қилишга уринаётган кучлар, терроризм ва ҳоказо.

Қонунчилигимизда каби динимизда ҳам ҳаддан ошиш, тажовузкорлик, зўравонлик қаттиқ қораланади. Ислом таълимоти бузғунчиликни, одамлар қалбига ваҳима, душманлик ва фитна уруғларини сочишни қаттиқ қоралайди. Маълумки, сўнгги йилларда динни ўзларига ниқоб қилиб олган оқимлар, тоифалар пайдо бўлди. Улар ғаразли мақсадлари йўлида жамиятда бузғунчилик, бегуноҳ одамларнинг қонини ноҳақ тўкиш каби жиноятларни авж олдириб,

³⁵ Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А. Мухитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н. Тойчиев. – Т.: Адолат, 2010. – Б. 704, 234.

³⁶ Хохрин С.А. Массовые беспорядки, совершаемые осужденными в исправительных учреждениях (уголовно-правовой и криминологический аспекты) // Уголовно-правовой и криминологический аспекты: дис... канд. юрид. наук. – 2011. – Т. 12. – № 08.

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 33-модда. Тошкент Адолат 2019 йил.



фуқаролар тинчлигини бузиб, халқ орасида низо чиқаришга ҳаракат қилишмоқда.

Оммавий тартибсизликларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бу оғир жиноят тури ҳисобланиб, жамият асосларини издан чиқаради, вазиятни беқарорлаштиради, хавф-хатар туғдиради, фуқаролар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг фаолиятини ишдан чиқаради. Оммавий тартибсизликларга қарши курашиш масалаларида давлат идоралари ва ҳуқуқ-тартибот органлари ҳаракатсизлик ва совуққонликка йўл қўймаслиги талаб қилинади.